

TOSHKENT HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯШИЛ МАКОНДА БИРГА ЯШАЙЛИК!

Тошкент вилояти маҳалла фаоллари, нуронийлар, зиёлилар,
хотин-қизлар ва ёшлар вакиллари билан вилоят аҳлига

МУРОЖААТИ



Азиз ватандошлар!
Қадрли вилоятимиз аҳли!

Тошкент вилояти – азалдан она табиятимизнинг бебаҳо гавҳари бўлиб келган. Бу муаззам заминда бир мавсумда тўрт фаслнинг жамолини кўриш мумкин.

Яратган мана шу фусункор ва серқуёш юртимизга нимаки ато қилган бўлса, қандай бойликлар, қандай неъматлар билан сийлаган бўлса, уларнинг ҳамма-хаммаси Тошкент вилоятида мужассамдир.

Она диёримизда ҳар тонг саховатли бобоқуёш айнан кўҳна ва азим Уғом-Чоқол тоғлари ортидан бош кўтариб, юртимиз узра нур сочади. Айнан шунинг учун ҳам бу заминга хос танти ва меҳнаткаш, юксак маърифатли одамларнинг эзгу ташаббус ва интилишлари, бой ҳаётий тажриба ва юксак тафаккури азалдан бутун мамлакатимизнинг барча нуқталари узра нурдек таралиб, кўпчиликка ўрнак ва намуна бўлиб келади.

Инсониятнинг энг қадимий ёзма ёдгорликларидан бўлган “Худуд ал-олам” номли тарихий китобда “Чоч – катта воҳа, ери сахийдир, суви мўлдир”, деган сўзлар битилгани ҳам шундан далолатдир.

Чиндан ҳам, бу заминнинг унумдор тупроғи, кут-барақа ёғилган дала ва боғлари, Бўстонлик, Ангрен, Оҳангарон тоғларининг оқ қорли чўққиларидан бошланган серсув сой ва дарёлари, турнақўз булоқлари, Чорбоғ, Оҳангарон, Туябўғиздек йирик сув омборлари вилоятимизни йил бўйи яшилликка буркаб, барчамизга бетақдор табиат ва мусаффо оби-ҳаёт неъматларини инъом этиб келади.

4



“ЁШЛАР ДАФТАРИ – ИМКОНияТЛАР ДАФТАРИ”

Янгийўл туманида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишлари учун кўмак бериш мақсадида “Ёшлар дафтари – имкониятлар дафтари” лойиҳаси асосида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “Ёшлар дафтари”га киритилган 100 нафар ёшга субсидия асосида турли техникалар берилди.

2

ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

ОҚҚЎРҒОН туманидаги “Қорасироқ Агро Файз” фермер хўжалиги дала майдонида 2024 йил ҳосили учун кузги шудгорлаш ишлари бўйича вилоят семинари ташкил этилди. Семинар давомида агротехник ишларини сифатли ўтказиш бўйича амалий кўргазмали чиқишлар намойиш этилди.



ТОШКЕНТ тумани ҳокими Одилхон Рустамов ҳамда ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Аваз Оқилжонов бошчилигида Айри ота номи маҳалладаги дала четларида ободонлаштириш ишлари ўтказилиб, фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳамкорлигида терак ва павлония кўчатлари экилди.



БЕКОБОД туманининг “Хонобод” маҳалласида “Обод хонадондан обод маҳаллага” шиори остида қурилиш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизгин давом этмоқда. Эҳтиёжманд оилаларнинг ҳовли-кўчалари тартибга келтирилиб, таъмирланди.



ҚИБРАЙ тумани ҳокими Музаффар Рашидов “Пўлат қадам” маҳалласидаги турли тоифаларга киритилган ёшларнинг муаммоларини хонадонбай ўрганиш билан бирга, уларнинг қизиқишлари ва тақлифлари билан ҳам танишди. Аниқланган муаммоларни тизимли ҳал этиш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш учун вазибалар белгиланди.



21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни

ТИЛ ВА ЭЛ – МУШТАРАК

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Давлат тили ҳақида”-ги Қонунга мувофиқ, ўзбек тили – давлат тилидир! Эътиборлиси, бугунги кунда республикамизнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларида давлат тилига бўлган эътибор тубдан ўзгарган. Бу борада қабул қилинган қонун ҳамда қонуности ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш шу юртда яшаётган ҳар бир фуқароннинг бурчи ҳисобланади.

(Давоми 2-саҳифада) ►



Сен кучлисан, болажон!

Нурафшон шаҳридаги “Ёшлар маркази”да “Сен кучлисан” ижтимоий лойиҳаси асосида гематологик ва онкологик касалликлар билан курашаётган болалар чизган расмлар кўргазмаси очилди.



2

Қишлоқ аёлларига эҳтиром кўрсатилди

Халқаро қишлоқ аёллари куни муносабати билан Оққўрғон туманида байрам тадбири ташкил этилди.

Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи Зухра Мирғозиева, Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Сайёра Фаизиева, Оққўрғон тумани ҳокими Тўра Боболов, вилоят ижтимоий ҳаётидаги турли соҳаларда фаолият кўрсатиб келаётган ташаббускор ва фаол хотин-қизлар, онахонлар, ҳудуд фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашган тадбирда дастлаб иштирокчилар “Бойгули” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ибратли оилалар ҳаёти билан танишди.

Бу ҳудуддаги кўплаб оилалар томорқасида чорвачилик ва асаларичилик билан шугул-

ланиб, ўзини ўзи банд қилмоқда. Бундан кўрилаётган даромад ҳам яхшигина. Тадбир

иштирокчилари улар билан суҳбатлашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Маҳалла гузариди хотин-қизлар кўл меҳнати билан тайёрланган хунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилди. Байрам дастурхонида вилоят фаоллари сўз олиб, мунис аёлларни, латофатли қизларни самимий табриклади.

Қайд этилганидек, қишлоқ жойларида яшаётган аёлларнинг кундалик юмушлар билан бир қаторда, жамиятнинг ижтимоий ҳаётида бирдек фаол қатнашаётгани таҳсинга сазовор.

(Давоми 2-саҳифада) ►

“Тошкент ҳақиқати”га

жавоб берадилар

ЧИҚИНДИГА ЧИҚАЁТГАН ВАЪДАЛАР



3

“ЁШЛАР ДАФТАРИ – ИМКОНИЯТЛАР ДАФТАРИ”

– Бугунги кунда туман-да жами 43 минг 360 нафар ёш мавжуд, – дейди Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиғи Шаҳбоз Абдуғаниев. – Шу-

дан, 188 нафар ёшга бир марталик моддий ёрдам ажратилди, 134 нафарига “Талабага мадад” лойиҳаси асосида уларнинг тулов шартнома пуллари тўлаб берилди. Яна 43 нафар ёшнинг бир ойлик ҳарбий хизматни ўташ учун сафар-

га оширилган галдаги тadbирда тумандаги “Ёшлар дафтари”га киритилган 100 нафар ёшга 45 та мотокультиватор, 32 та тикув машинаси ва 16 та махсус дазмол, 6 та пайвандлаш ускунаси, 3 та ноутбук, 8 та қурилиш анжомлари сектор раҳбарлари иштирокида топширилди.

– Илгари ҳеч қачон иш-ламасдим, – дейди Шерзод Зуфаров. – Мутасаддилар томонидан менга мотокультиватор тақдим этилди. Бундан жуда ҳам хурсандман. Қишлоқда яшаганим сабабли ушбу техника менга жуда асқатди. Келгусида

барлиқ чақирув резерви харажатлари қопланди, 20 нафар ёш эса ҳайдовчилик гувоҳномасига ўқитилиб, “Б” тоифали ҳайдовчилик гувоҳномаларига эга бўлди.

менга билдирилган ишонч-ни оқлаш учун бор кучим билан ҳаракат қиламан.

Сухробжон САДИРОВ,
“Тошкент ҳақиқати”
муҳбири
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган суратлар



лардан 1 минг 120 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилган. Ҳозирга қадар вилоят ва туман ҳокимликларининг ташаббуси билан “Ёшлар жамғармаси”га 4,6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ўтказилиб, 590 нафарга яқин ёшларга 3 миллиард 167 миллион сўмлик кўмак кўрсатилди. Жумла-

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)



Лойиҳа асосида амал-

СЕН КУЧЛИСАН, БОЛАЖОН!



Хайрия доирасида 100 нафардан ортиқ бемор болалар томонидан чизилган 800 дан ортиқ суратлар кўргазмаси намойиш қилинди. Болалар томонидан чизилган суратлар ким ошди савдосига қўйилди.



– Яратган ҳеч бир ота-онани фарзанд дарди билан синамасин, – дейди Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Мирозид Мирсултонов. – Харид қилган суратини 12 нафар бемор бола ўз қўлларини қозоғга босиб, яратган.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Афсуски, ҳозирда уларнинг бир нафаригина ҳаёт экан. Ана шу болани тирик қолиши учун курашилмоқда. Барчамиз болалар кўнглини кўтариш ҳамда уларга моддий ёрдам кўрсатишни ният қилганмиз.

Нигора ЭРКИНБОЕВА
Жалолiddин ЭСОНОВ олган суратлар

Яқинда юртимизда, шу жумладан, вилоятимизда ҳам “Халқаро қишлоқ аёллари кун”и кенг нишонланди. Сана муносабати билан БМТ билан ҳамкорликда “Бугунги қишлоқ аёлларининг ҳикоялари” номли китоб нашр этилди. Унда республикамиз бўйлаб ташаббускор ва интилувчан, боғ-роғлару далаларда ўз қўллари билан яратган ҳосилдан илҳомланиб, янги гоғлар сари дадил қадам ташлаётган 22 нафар аёлнинг ҳикояси келтирилган. Улар ичида вилоятимизнинг Зангиота тумани “Олмазор” маҳалласи хотин-қизлар фаоли Шоҳида Саидғозиева ҳам бор.

Қуйида унинг ҳикояси билан танишинг.

– Бу рост, ишонмайсизми? Ишон-масангиз, менинг фикрларимга яхшилаб қўлоқ тутинг: мўъжиза ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, уни инсон қўллари билан яратди.

Болалигимда кимдир менга “Келажакда сен соҳибкор бўлиб, бозорлар растасига турфа сабзавотлар чиқарасан” деса, устидан кулган бўлардим. Чунки мен 1994 йилда Зангиота туманидаги 33-ўрта мактабни битириб, Тошкент педагогика университети-нинг она тили ва адабиёт факультетига ўқишга киргандим. Келгусида, албатта, ўзим севган касб – ўқитувчиликнинг этагини туттиб, ёш авлодга таълим-тарбия бераман, деб ўйлардим.

Аммо ҳаёт биз ўйлаганнимиз каби бир ўзанда оқмас экан. Мени эрта, 18 ёшда турмушга беришди ва ўқишим қилиб кетди.

Оиламиз 15 кишидан иборат бўлиб, қайнотам томорқачиликда ном қозонган инсон эди. Мен уларга ёрдам бериб турардим, тандирда нон ёпардим. Бирин-кетин фарзандларим дунёга келди. Беш сотих жойда иккита иссиқхона қурилган бўлиб, помидор, бодринг, қўқатлар, картошка, ҳатто сабзи ҳам экардик. Турмуш ўртоғим юк машина бошқардиди, овсиним маҳсулотлар олди-сотдисини

Шоҳида САИДҒОЗИЕВА:



зиммасига олганди. Оиланинг бошқа аъзолари ўз иши билан банд эди. Томорқада ишлаш мен билан қайнотамга қолганди. Шу тарихқа қайнотамга шогирд тушганимни ўзим ҳам сезмай қолибман.

Йиллар ўтиб, алоҳида рўзгор бўлиб чиқдик. Томорқамиз – “суяги” темир конструкцияли, икки қаватдан иборат – “вакуум-термос” услубидаги целлофан ёпилган парча ердан иборат. Совуқ мавсумда ҳосилни

асраб-авайлаш учун кўмир билан иситилади. Қўлбола автоматлаштирилган қозон ўрнатганмиз. Унда совуқ кунларда ҳар соатига бир арава ўтин ёқилади. Мисол учун, кечки 19:00 дан бошлаб, соат 24:00 гача мен навбатчилик қилсам, кейин турмуш ўртоғим ва ўғлимнинг навбати келади. Ана шу иссиқлик эвазига кундузи ўтин ёқиш шарт эмас. Бундан ташқари, иссиқхонани ёмғирла-тиб сугориш йўлга қўйилган. Беш сотих иссиқхона ерини кетмонда ярим

ҳосил узиб олиш мумкин. Ундан кейин бўшаган жойга бодринг ва бақлажон кўчатини қадайдим. Улардан ҳам камиди 10 миллион сўм фойда келади. Қисқаси, 5 сотих иссиқхонадан йилга ўртача 60-70 миллион сўмдан зиёд даромад топамиз.

Иссиқхона юмушларимни мароқ билан сўзлашимнинг боиси шундаки, тўғриси, ўзим шу соҳага қизиқиб қолдим. Бағр ёзаётган нихоллар, чиройли гул чиқарган ўсимликни кўрганимда яйраб кетаман. Экинлар парвариши ҳам ўқитувчиликка ўхшар экан. Қатор-қатор нихоллар мен – “ўқитувчи” кириб келганимда худди салом бераётгандек, мен эса, навбатдаги мавзунга ўтаётгандек ҳис

қиламан. Йиллар давомида даромад ҳисобидан тўйлар қилдик. “Зил”, “Дамас” ва “Кобальт” автомашинаси оиламиз огирини енгил қилмоқда.

Йилига 4 мартадан кўпроқ ҳосил йиққан вақтларимиз ҳам бўлди. Бу ишга ўзимиз қизиққанамиз учун машаққати учун сезилмайди. Эрта тонгда иссиқхонага кириб, ўсимликнинг бир қатор шохларини игга ўраб, сувини қуйиб, витаминлар берамиз. Шаффоф гумбаз ичида ўсимликлар қуёшдан витамин олмайдди. Шунинг учун ўсимликларга микроэлементлар сепаемиз.

Лекин барибир алмашлаб эк-маса, ер чарчайди. Шунинг учун,

сўраб суриштириб, турфа экинларни экишга киришдик. Бир йил бўлғор қалампирни эксам, кейинги йил помидор эксамиз. Помидор экилган йилли апрелда бодринг, июнда қўқатлар, август охирида оқ салат, кузи билан саримсоқлиёз етиштирамиз. Помидордан кейин бўлғор қалампирни экилган йилли ҳосилни йиғиш сентябргача давом этади. Эгатлар орасида бақлажон, мош, маккажўхори экиб оламиз, ерга куч бериш учун. Тупроқни соғломлаштириш чораларини кўраемиз.

Мисол учун, ҳар йилнинг куз ойларида бир ҳафта давомида ерни ювамиз. Бунда сув бир тарафдан қуйилиб, иккинчи тарафдан чиқиб ке-

тади. Шунда ер етилади, ҳосилдорлиги ошади. Лекин кейинги икки йилда мазкур усул учна иш бермаяпти, ҳашаротлар қўпайиб, ҳосил нисбатан камайиб қолди. Ер ҳам чарчади, энди унга бирор йил дам бермоқчимиз. Шунинг учун иссиқхонанинг устини очиб қўйдик, қор кўрса, ер янада бўлиқ бўлиб кейинги йиллар яхши ҳосил оламиз.

Ҳар бир ишни бошлашдан аввал фойда ва зарарни ҳисоблаб чиқамиз. Шунда ернинг ҳам, сув ва экиннинг ҳам аниқ ўлчовини биласиз. Ҳисоб-китобларимизга кўра, органик маҳсулот етиштириш яхши даромад келтирар экан. Қизиқиб қолдик. Шунда қўшни фермердан 10 сотих ерни

ижарага олиб, таваққалига қулупнай эқдик. 2023 йилнинг киши жуда совуқ келди, оппоқ қорда қулупнай мевалари қип-қизил бўлиб пишгани кўзларни қувонтирди. Ҳосил ҳам мўл бўлди, ҳар кишини 250 минг сўмдан сотдик. Уйимизга сўраб келиб, харид қилишди. Бу йил эса иккигача бир гектар ер олдик. Унинг 40 сотихига қулупнай, қолганига сабази экмोқчимиз. Деҳқончилик бир кишининг иши эмас, ҳаммамиз, бутун оиламиз бир-галлашиб ишлаймиз. Ўғлим қулупнайни иссиқхонада етиштиришни ният қилиб турибди. Бунга кўпроқ маблағ керак бўлгани ҳамда бу йил иссиқхонани очиб қўйганимиз учун кейинги йилда тажриба учун етиштириб кўраемиз.

Иссиқхонада меҳнат қилаётганимга ҳам, манара, йиғирма йилдан ошибди. Болаларга қарадим, рўзгор қилдим, ҳосил етиштирдим. Ўйлаб кўрсам, ўқишимни давом эттиришим керак экан. Негаки, адабиётга, журналистикага иштиёқим бандан. Одамлар 70 ёшда ҳам ўқишдан тўхтамаяпти-ку. Мен эндигина 40 ёшга кирдим. Чирчиқ педагогика университетида бошланғич таълим йўналишида сиртдан таҳсил оляпман. Кўп нарсаларни ўргандим, невараларимга ҳам ўргатиш, уларни зуқко қилиб тарбиялаш учун ҳам ўқишим керак эди-да. Маҳалла фуқаролар йиғинига ишга кирдим. Келин олганман, у тикувчи. Келгусида келинимни ҳам олийгоҳда ўқитиш ниятидман. Умрим майда-чуйда нарсалар билан зое кетмади. Бекорчи гап-сўзлар билан вақт ўтказмадим. Меҳнат қилишни ва экилган ҳар бир ўсимликдан баҳра олишни ўргандим. Экинлар қўлоқ чиқаргани, гулга киргани, кейин бу гулнинг ҳосилга айланиши мўъжиза. Мен ана шундай мўъжиза яратиб, унинг ичида яшапман.

Тил ва эл – муштарак

лотларнинг номлари, пешлавҳа, реклама ва аълонлардаги, шунингдек автомобиль йўллариди йўл белгилари ва ахборот кўрсаткичларидаги ёзувларни хатловдан ўтказиш ишларини амалга оширди. Хатлов жараёнида ташқи ёзувларнинг барча турларида йўл қўйилган хато ва камчиликлар аниқланиб, ёзма огоҳлантириш хатлари берилди.

Жумладан, Янгийўл шаҳрида симёғочлар, дарахтлар ҳамда автомобиль йўллари бўйига ноконуний равишда жойлаштирилган 182 та, Бекобод туманида 24 та, Чиноз туманида 43 та, Бекобод шаҳри ва Тошкент туманида 37 та, Оққўрғон туманида 48 та турли ўлчамдаги эгаси номаълум, яроқсиз ҳолга келиб қолган ташқи реклама воситалари аниқланди ҳамда уларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Шунингдек, Янгийўл туманида 5 та, Чиноз туманида 7 та, Бекобод шаҳрида 15 та, Тошкент туманида 9 та, Оққўрғон туманида 10 та ҳолатда пешлавҳа ва ташқи реклама ахборотларида имловий

хатоларга йўл қўйилгани ҳамда жами 89 та ҳолатда ташқи реклама воситалари бошқа тилларда берилгани ҳолати аниқланиб, барча турдаги ёзувлар давлат тилида ёзилиши шартлиги ҳақида тушунтириш-тартибот ишлари олиб борилди.

Ўрганиш жараёнида объектларга ном беришда рус, инглиз ва бошқа тилларда-

тишмоқда. Ташқи ёзувларнинг хорижий тилларда, маънавий-тимизга ёт мазмун ва шаклларда акс эттирилиши давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга ҳурматсизлик эмасми?!

Сартарошхонада “Barbershop” уруғчилик дўкониди

“Sgmenta”, келин либослари салониди “Wedding house” каби ташқи ёзувларни кўрганда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг она тилимизнинг софлигини сақлаш ҳақида билдирган қуйидаги фикрларини келтиришни ўринли деб биламан: “Нима учун кўча ҳаракати қоидасини бузган кишига милиция хуштак чалади-ю, бутун бир тилни бузаётган одамларга ҳеч ким хуштак чаламайди?” Она тилимизни, унинг жозибасини кўрсатиш, тилимиз софлигини сақлаш, хорижий сўз ва атамаларни ишлатишдан воз кечиш ҳар биримизнинг виждон ишимизга айланиши шарт.

Шаҳноза ХУҲАЕВА,
вилоят ҳокимининг
маслаҳатчиси



маълум бўлди. Айрим тadbиркорлар ўз фаолиятига мос маъно ташувчи сўзлар қилиб, хорижий сўзлар билан ифодаланувчи рекламалар тарқа-

Қишлоқ аёллариға эҳтиром кўрсатилди

тин-қизга амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 30 минг 394 нафар ишсиз хотин-қизнинг бандлиги таъминланиб, 3 минг 461 нафари касб-хунарга ўқитилди. Аслида, бу борадаги ишларнинг сарҳисоби бундан ҳам салмоқлидир.

Ташаббускорлиги,



интилувчанлиги билан бошқаларга ўрнак бўлиб келаятган бир гуруҳ фаол хотин-қизлар тақдирланди.



– Қарийб ярим асрдан буён пиллачилик билан шуғулланаман, – дейди Бекобод туманида яшовчи Н. Турсунова. – Бу касб

ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб ўтиб келяпти. Мен учинчи авлодман. Шу пайтгача юздан зиёд шогирд етиштирдим. Ишим ўзимга ёқади, шунинг ортидан элда ҳурмат толганмиз. Мана, 34 йилдирки, пилла қурти учун махсус инкубаторияларда уруғ тайёрланади ва туманимизнинг 5 та худудига ипак қурти етказиб берамиз. Шу



билан бирга, мавсумда оилавий пилла қурти боқиб, сифатли маҳсулот топираимиз. Топаятган даромадимиз ҳисобидан ўзимиз яшаётган “Саврак” маҳалласида оилавий мактабгача таълим ташкилотини ишга туширдилар. 50 нафардан зиёд болани боғчага қамраб олдик. Байрам муносабати билан биз каби аёлларнинг меҳнатини алоҳида эътироф қилишганидан хурсандман.

Санъаткорлар икросидаги дилбар куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Абдулазиз МУСАЕВ

Жамият

СПОРТ янгиликлари

ЁШ КУРАШЧИЛАРИМИЗ ДУНЁДА БИРИНЧИ

Тожикистон Республикасининг Хўжанд шаҳрида белбоғли кураш бўйича 2003-2004 йилларда туғилган ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Қувонарлиси, мазкур жаҳон чемпионатида Бахтиёр Турғунпулатов бош мураббийлигидаги тўлиқ таркиб билан иштирок этган терма жамоамиз 21 та давлатдан 300 нафарга яқин спортчилар орасида 12 олтин, 3 та кумуш ва 15 та бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа

ҳисобида фахрли биринчи ўринни эгаллашди. Аҳамиятлиси, белбоғли кураш йўналишининг 75 кг. вазнда гиламга чиққан Тошкент вилояти ўғлони Камронбек Номозбоев барча рақибларини мағлубиятга учратган ҳолда терма жамоа ҳисобига олтин медални қўшиб қўйди.



“Тошкент ҳақиқати”га жавоб берадилар

Газетамизнинг 2023 йил 27 сентябрдаги 71-сонида чоп этилган “Чиқиндида чиқаётган ваъдалар” сарлавҳали мақолада кўтарилган мурожаат юзасидан Тошкент вилояти Экология бошқармасидан жавоб хати олдик.

Хатда келтирилишича, ҳолат вилоят Экология бошқармаси ва Тошкент тумани бўлими ҳамда “Зангиота ободон” МЧЖ мутасаддилари томонидан жойига чиқиб ўрганилган ва мақолада акс этган танқидий фикрлар ўз тасдиғини топган.

Ўрганиш давомида Тошкент тумани аҳолисига хизмат кўрсатувчи санитар тозалаш-га ихтисослашган “Зангиота

ЧИҚИНДИДА
ЧИҚАЁТГАН
ВАЪДАЛАР

ободон” МЧЖ мутасаддиларига Ўзбекистон Республикаси “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддаси “Юридик шахсларнинг чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги мажбуриятлари” талаблари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 2 октябрдаги “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 787-сонли қарори талаблари асосида мажбурий кўрсатма берилган.



“Айни дамда мақолада танқид остига олинган Тошкент тумани Авлиё ота маҳалласи ҳудудида тўпланиб қолган чиқиндилар соҳа инспекторлари назоратида “Зангиота обо-

дон” МЧЖ техникаларини жалб этган ҳолда, жадвал асосида олиб чиқиб кетилмоқда. Жараён тумanning бошқа маҳаллаларида ҳам давом этмоқда”, дейилади жавоб хатида.

ЎЗБЕКИСТОН БОКС ФЕДЕРАЦИЯСИ – ҚИТЪАДА ТЕНГСИЗ

Таиланднинг Бангкок шаҳрида Осиё бокс конфедерациясининг конгресси бўлиб ўтди.

Конгрессда кун тартиби бўйича Осиё бокси атрофидаги турли масалалар кўриб чиқиши билан биргаликда, 2022 йилда Осиё минтақасида бўлиб ўтган барча мусобақалар ҳисоботлари тақдим этилди.

Ўзбекистон бокс федерацияси ўтган 2022 йил ҳисобидан медаллар жамғариш бўйича Осиё қитъасининг “Йил федерацияси” дея тан олинди ва Осиё бокс конфедерацияси томонидан махсус мукофот топширилди.



МУХЛИС ОТИБ ЎЛДИРИЛГАНИ УЧУН ЎЙИН ТЎХТАТИЛДИ

Футбол бўйича Европа яшил майдонларида давом этаётган Евро-2024 саралаш босқичи доирасида ўтказилган Бельгия ҳамда Швеция терма жамоалари ўртасидаги баҳс биринчи бўлимдан сўнг тўхтатилди.

Бунга учрашув вақтида Бельгия пойтахти Брюссель марказида икки шведияликнинг отиб кетилгани сабаб бўлган.

Терма жамоалар воқеа содир бўлган жойдан 5 км. узоқликда – “Қирол Бодуэн” стадионида ўйин ўтказаетган бўлган.

Маълум бўлишича, воқеадан хабар топган Швеция терма жамоаси

футболчилари иккинчи бўлимда майдонга чиқишни хошлашмаган.

Қатор манбаларнинг хабар беришича, ўз терма жамоасини қўллаб-қувватлаш учун келган шведиялик мухлисларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун баҳс тўхтатилган.

Таъкидланишича, гу-



монланувчи воқеа жойидан қочишга мўваффақ бўлган, полиция қидирув ишларини бошлаб юборган.

“Тошкент ҳақиқати” мухбири Суҳробжон САДИРОВ тайёрлади



Сўнгги вақтларда ҳудудларда белгиланмаган жойларга чиқинди ташлаб, атроф-муҳитга зиён етказилаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Хўш, ўша чиқиндиларни ким ташлапти? Албатта, орамиздаги одамлар.

қурилиш чиқиндиларини ўзбошимчилик билан дала майдонларига тўкиб кетаётганларга нима дейсиз?

Пискент туманидаги “Лолаарик” маҳалласида анчадан бери ноқонуний чиқиндиҳона “фаолият” юритаётган эди. Бу эса аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганди. Бу ҳақида маҳаллий аҳоли томонидан бир неча маротаба мутасаддиларга мурожаатлар қилинган.

Авваллари ҳовлиларнинг бир четидан хандак қазиб, ўша ерга тупроққа қоришиб кетадиган чиқиндилар тўкиларди. Ҳозирчи, елим халталар тўла чиқиндиларни (хатто нон бўлакларини) йўл четларига, эринганлар дуч келган жойга ташлаб кетишмоқда. Айниқса,

Иқтисодиётда шундай бир термин бор: актив ва-passив. Бу тushunchалар, асосан, молия ва бухгалтерия соҳаларига тегишли бўлсада, бироқ кўпчилик кундалик ҳаётда ҳам дуч келади. Масалан, ҳар бир инсон актив эгаси бўлиши мумкин. Бунни кимдир банкдан ҳисоб рақами очиб, қимматли қозғоз, депозит расмийлаштириб, яна қайсибир ишбилармон уйини, машинасини ижарага бериб актив бошқарувчисига айлана олади. Яъни, мавжудлиги билан тушум олиб келаётган барча нарса – бу активдир. Пассивлар эса, унинг мутлақо акси: бирор кимга беришингиз мумкин бўлган чиқимлар.

Дабдурустан қилинган бу мушоҳададан ҳайрон бўлаётгандирсиз. Гап шундаки, кейинги йилларда давлат активларини хусусийлаштириш ва бу орқали тадбиркорлиқни ривожлантириш, ишбилармонлар сонини ошириш, мамлакат иқтисодиёти, аҳоли фаровонлигини кўтариш борасида қўллаб-қувватлаш қилинмоқда. Жумладан, пассив ҳолатда турган ер, иморат, бино ва шунга ўхшаш объектларни хусусий секторга бериш орқали активлаштирилмоқда. “Давлат энг ёмон бизнесмен” таъйинланган келиб чиқадиган бўлсак, бу албатта энг самарали йўл.

Мамлакат раҳбарининг жорий йил март ойида қабул қилинган “Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги саъй-ҳаракатларни тартибга солиб, янада жадаллаштирди, дейиш мумкин. Мазкур ҳужжатлар билан бир қатор муҳим ва ҳаётий вазифалар белгиланган бўлиши.

Унга қўра, давлат активларини бошқариш ва хусусийлаштириш бўйича ваколатли давлат органи сифатида ягона давлат сиёсатини юритиш, давлат активларини очик ва шаффоф хусусийлаштириш орқали уларнинг иқтисодиётдаги улушини муттасил қисқартириб бориш, хусусийлаштириш тартиб-таомилларини соддалаштириш, давлат мулки ҳисобини юритиш ҳамда тўловга қўбилиятсизлик жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш лозим. Шунингдек, давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ҳўжалик жа-

миятлари ва давлат унитар корхоналарини ислоҳ қилишда иштирок этиш, уларда самарали дивиденд сиёсатининг юритилишини мўвофиқлаштириш, харидлар ҳамда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини ошириш борасида муҳим чоралар белгиланди.



Бундан ташқари, мазкур қарорга асосан “Е-auksion” электрон савдо платформасида хусусий мулкдорлар буюртмасига асосан уларнинг мулкларини соддалаштирилган тартиб ва муддатларда сотиш бўйича савдолар ўтказилиши, 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш пул маблағларини депозитга жойлаштириш бўйича тижорат банклари ўртасида фоиз ошиб бориш тарзида банк капитали етарлиги ҳамда банк капиталининг унинг мажбуриятларига нисбатли, ликвидлилик коэффициенти каби шартларни назарда тутган ҳолда аукцион савдолари ўтказилиши қайд этилди. Қолаверса, давлат

даромадига олинган мол-мулкларни (бундан озиқ-овқат маҳсулотлари, автомобилотранспорт, кўчмас мулк ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа мулквий ҳуқуқлар мустасно) шартнома-воситачилик орқали фаолият юритувчи ташкилотлар буюртмасига қўра соддалаштирилган аукцион тамойиллари асосида электрон савдо дўкони орқали сотиш белгиланган берилди.

Президент томонидан имзоланган “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга қўра эса, оммавий савдолар орқали тўлиқлигича

билан шартнома тузиш ва депоҳисоб рақамини очиш имконияти яратилиши қайд этилган.

Ўз навбатида, “Электрон он-лайн-аукционларни ташкил этиш” акциядорлик жамияти 2023 йил буғунги кун ҳолатига қўра:

1 525,4 млрд. сўмлик 395 донa давлат объекти (улуши) аукционга чиқарилиб, шундан, 92 221 913,0 млн. сўм (127,6 фоиз)га;

187 641,7 млн. сўмлик 9 минг 305 донa ижарага бериш учун давлат мулки объектлари аукционга чиқарилиб, шундан 4 минг 431 таси 122 849,6 млн. сўм (235,4 фоиз) га;

6 086,7 млн. сўмлик 27 минг

да сотиб олиш тўловларини тўлиқ амалга оширса, олди-сотди шартномаси тузилган санадаги Марказий банкининг йиллик қайта молиялаштириш ставкасига тенг миқдорда чегирма берилиши белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасини Президентининг ўтган йил 30 декабрдаги 287-сонли Фармони билан 4 ва 5 тоифага кирувчи туманлар учун давлат мулки ҳисобланган ер участкалари ва биноларни электрон савдоларга чиқаришда преференциялар бериш мақсадида лотнинг бошланғич тўлов миқдори (амалдаги ставкага нисбатан) 50 фоизга камайтирилган ва ушбу туманлардаги давлат мулки объектларини ижарага беришда аукционга чиқариладиган бошланғич нархни белгилаш (амалдаги ставкага нисбатан) 50 фоизга туширилган.

Юқорида қайд этилган имтиёз ва преференциялар яратилганлиги ҳисобига давлат активларини сотиш ва ижарага беришда ўсиш тенденциясини кўриш мумкин. Шу билан бирга, кўчма савдо объектларини аҳоли инфратузилмаларига қўлай жойларда жойлаштириш орқали аҳолига қўшимча қўлайликлар яратилганлигидан ташқари кичик тадбиркорлик фаолиятини тез ва осон бошлаш имконияти мавжудлиги, ушбу йўналишдаги объектларга тадбиркорлар томонидан талаб юқорилигини сезиш мумкин.

Мухтасар айтганда, хусусийлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлардан асосий қўзланган мақсад “Янги Ўзбекистон” макро-иқтисодиётида давлат иштирокини камайтириш, тадбиркорларга қўшимча шарт-шароитлар ва имтиёзлар яратиш бериш орқали ишбилармонлик муҳитини қўллаб-қувватлаган ҳолда аҳолининг барча қатламларининг иқтисодий тараққиётда фаоллигини оширишдан иборатдир.

ИЖОДКОРЛАР
ДАВРАСИДА

Бўстонлиқ туманидаги 19-сонли умумтаълим мактабида ёшлар билан ижодий давра суҳбати бўлиб ўтди.



Тадбирда иштирокчилар Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, ёзувчи Асад Асил, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Раҳматилла Шералиев, Маънавий ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Сайёра Файзиеваннинг ёшларнинг маънавий оламини юксалтирувчи ҳаётий ва мазмунли суҳбатларидан баҳраманд бўлишди. Хусусан, Бўстонлиқ тумани ижодкорлари, уларнинг ижодий-интеллектуал фаолияти ҳақида қимматли маълумотлар берилди.

Тадбирда Элбек тахаллуси билан шеърлар ёзган хумсонлик Машриқ Юнусов, Хондойлик фарзанди Сидқий Хандақликийнинг маънавий мероси ҳақида ҳам сўз борди.

Шундан сўнг 19-мактабнинг иқтидорли ўқувчилари ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

Тадбир нияҳосида меҳмонлар мактаб кутубхонасига бадий китоблар совға қилдилар.

Эълон

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қатортоп кўчаси, 60-ўй манзилида жойлашган “TASH KOXSARAN” (СТИР 201836772) бошқа гурuhlарга киритилмаган тижоратчи ташкилот (шўъба корхонаси) шакли “TASH KOXSARAN” масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.

Мурожаат учун телефон: (+99897) 774-26-18.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯШИЛ МАКОНДА БИРГА ЯШАЙЛИК!

Тошкент вилояти маҳалла фаоллари, нуронийлар, зиёлилар,
хотин-қизлар ва ёшлар вакиллариининг вилоят аҳлига

МУРОЖААТИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Вилоятимизнинг кўп тармоқли экотизимлари, хилма-хил табобат ва набобат дунёси, сархил ва шифобахш мевазор боғлари барчанинг ҳавасини ўзига тортади. Бугун Паркент, Ўстонлик, Қибрай, Янгийул, Зангиота, Пискент каби ҳудудларимизнинг жаннатмакон боғу тоқзорларида етиштирилган узуму гилослар, ноку олмалар, анжиру шафтолилар ўзига хос бренгда айланиб, нафақат юртимиз, балки хориж бозорларини ҳам тўлдирётгани барчамизга фахру ифтихор бағишлайди.

Ота-боболаримиздан мерос бўлиб келатган ана шу боғдорчилик анъаналарини асраб-авайлаб, келажак наслларга бунданга бой ва ранг-баранг ҳолида етказиш барчамизнинг муқаддас инсоний бурчимиздир.

Қадрли дўстлар!

Хабарингиз бор, кейинги йилларда вилоятимиз мамлакатимизнинг энг йирик логистика ва сайёҳлик марказларидан бирига айланиб бормоқда. Вилоятимизга келувчи сайёҳлар оқимининг мунтазам кўпайиб бораётгани, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари ҳажми ортаётгани, ҳудудларимиздан кесиб ўтадиган йирик халқаро аҳамиятдаги автомагистралларда автомобиллар катнов суръати кескин ошаётгани она табиятимизни заҳарли газ ва моддалардан ҳар қачонгидан кўпроқ муҳофаз қилишимиз лозимлигини таъқозо этмоқда.

Минг афсусли, бугун сувдан, тупроқдан нотўғри фойдаланиш, экологик жиҳатдан зарарли технологияларни қўллаш оқибатида сайёрамизда иқлим ўзгариб, биохилма-хиллик йўқолиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бугун ер юзидagi 8 миллиарддан ортиқ инсониятнинг ҳаёти хавф остида қолмоқда. Техника ва технологияларнинг ривожланиши натижасида ҳар куни қанчадан-қанча заҳарли моддалар атмосферида ифлослантириб, ҳавонини заҳарламоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда БМТ минбаридан инсоният ҳаётига таҳдид солаётган учта инқироз – иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланишини бартараф этишга доир муҳим ташаббусларни илгари сурган эди.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 11 октябрда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам мазкур масала бўйича бир қатор муҳим таклифлар билдириб, олдимизда турган устувор вазифаларни белгилаб берди.



Жумладан, 25 октябрдан 1 декабрга қадар юртимизда “кузги дарахт экиш мавсуми” эълон қилинди.

Президентимизнинг ана шу ташаббусларидан руҳ олиб, барчангизни, бутун эл-юртимизни “Янги Ўзбекистон – яшил маконда бирга яшайлик!” деган олижаноб ғояни қўлаб-қувватлашга чақирами!

Зотан, доно халқимизда “Яхшидан боғ қолади” деган пурмаъно гап бор. Муқаддас динимиз ҳам бизни яратувчанликка, боғу роғлар барпо этиб, инсонларга ризқ улашишга буъоради.

Оилада фарзанд дунёга келганида унга

Муҳтарам нуронийлар!

Сизларнинг ҳаётий тажрибангиз, дуо ва тилакларингиз халқимиз учун ҳамиша катта таянч ва суянч бўлиб келмоқда.

Вилоятимиздаги 300 мингдан ортиқ нуронийлардан маҳаллаларда “Яшил макон” умумийлиги лойиҳасини амалга оширишда, аҳоли томонидан кўчатларни намунали экишни ташкиллаштиришда янада фаоллик ва ташаббус кутиб қоламиз. Сизларнинг шахсий намунангиз, панду насиҳат, тавсия ва кўрсатмаларингиз барчамиз учун муҳимдир.

Нуронийларимизнинг ҳар бири 1 тупдан кўчат экса, 300 мингдан зиёд янги дарахт



атаб кўчат экиш, ҳашар йўли билан боғлар яратиш, иморатлар атрофини кўкаламзорлаштиришдек эзгу ва олижаноб одатларимиз бор.

Биз ана шу хайрли анъаналаримизга содиқ қолиб, ҳар бир хонадон томонидан 20 туп кўчат экиш ва ўстириш ташаббусини илгари сурашимиз.

Шунингдек, ҳар бир фуқаронинг тўй ва бошқа яхши кўнларидида ниҳол экишни анъанага айлантирсак, нима дейсизлар?! Бу ғоят савобли тadbир эмасми?

Қадрли маҳалла фаоллари, кўчабоши ва уйбошилар!

Айни вақтда, айрим маҳаллаларда, кўча ва гузарларда бўш турган, дарахт экилмаган жойлар ҳам кўп. Эндиги вазифамиз ушбу жойларни боғ-роғларга айлантиришда маҳалла аҳлининг ҳамжиҳатлигини кучайтириш, ҳудуд ободлиги ва аҳоли фаровонлигига хизмат қиладиган лойиҳаларни кенгайтиришдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир маҳаллада “маҳалла боғлари”ни яратишимиз, яшил ҳудудларни кўпайтиришимиз, шахсий намуна сифатида дастлаб ўз хонадонимиз ва кўчамизни обод қилишимиз, “Яшил макон” умумийлиги лойиҳасига ўз ҳиссамизни қўшишимиз зарур.

Экилган ҳар бир ниҳолни парваришlash ва сақлашда маҳалла фаоллари, бошқарув-сервис компаниялари жонбозлик кўрсатиши лозим. Бунинг учун “маҳалла еттилиги”, кўчабоши ва уйбошилар ҳамда хонадон эгаларини масъул сифатида бириктириш мақсадга мувофиқдир.

пайдо бўлади. Ёки ҳар бири ўз ёнига 10 нафар ёшни жалб қилса, бу рақам 10 баробарга ошади.

Хурматли деҳқон ва фермерлар, томорқа ер эгалари!

Ерга меҳр бериш, унинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланиш, кўчат экиб, боғ яратишда сизларнинг улушингиз катта. Биргина кўчат етиштириш бўйича тўхталадиган бўлсак, вилоятда 6 788 та фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари томонидан 8 миллионга яқин иқлимбоп тут, тоқ, топ, ёнғоқ ва бошқа ниҳоллар парваришланмоқда.

Бу савобли ишларни давом эттириш учун ҳар бир хонадон эгаси ўз томорқасига, маҳалла гузари ва кўчасига 10 тупдан кўчат экса, вилоят бўйлаб ўртача 6-7 миллион дарахт бунёд бўлади.

Фермерларимиз “Бир дала – бир маҳсулот” тамойили асосида ўз ҳудудига тут, тоқ, терак ва бошқа кўчатларни экса, ҳар бир қарич еримиз яшилликка буркангандир.

Қадрли тadbиркорлар, йирик саноат корхоналари мутасаддилари!

Бугун мамлакатимиздаги фаол сармоявий ва ишбилармонлик муҳити тўғрисида тadbиркорлик ва саноат соҳалари иқтисодиётимизнинг энг муҳим локомативларига айланди.

Яхши биласиз, бугун тилимизга “яшил иқтисодиёт”, “яшил белбоғ” деган тушунчалар бежиз кириб келгани йўқ. Эндilikда ҳар қандай иқтисодиёт, ҳар қандай ишлаб чиқариш фаолияти она табият қонуниятлари ва манфаатларига асло зид бўлиши мумкин эмас.

Сизнинг атроф-муҳит мусаффолигини сақлашдаги бурч ва масъулиятингиз, жавобгарлигингиз ҳар кимниқидан ҳам улканроқдир. Хўжалик бирлашмаларингиз, ишлаб чиқариш корхоналарингиз, завод ва фабрикаларингиз жойлашган ҳудудларда соя-салқин боғ ва хиёбонлар барпо этиш, саноат корхоналарингиз атрофини “яшил белбоғ” билан ўрашнинг айна мавриди ҳозир. Шу боис, бу хайрли ва олижаноб ташаббусни қалб амри билан қўлаб-қувватлашингиз ва энг илғорлардан бўлиб намуна кўрсатишингиз ҳам қарз, ҳам фарздир!

Азиз зиёлилар, фан, адабиёт, санъат намояндalari ва спортчилар!

Жонажон Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшадиган ташаббусларни қўлаб-қувватлашда сизларнинг фаол иштирокингиз муҳимдир.

Сиз каби эл таниган ижод аҳлига, зиёлилар ҳамда спорт юлдузларига юртимиз ёшлари ўзгача ҳавас билан қарайди.

Шундай экан, юртимизда амалга ошириладиган кузги дарахт экиш мавсумида сизлардан янги-янги ташаббуслар, амалий ҳаракатлар ҳамда шахсий намуна кутиб қоламиз!

Мўътабар оналар, азиз опа-сингиллар!

Хонадонимиз, маҳалламиз файзу таровати сиз билан гўзалдир! Зеро, табият ҳам она каби муқаддасдир! Она ва табият тушунчалари бир-бирига ҳамохандир. Онани қандай эъзозласак, табиятни ҳам шундай қадрлашни фарзандларимиз онгу шуурига чуқур сингдирайлик!

Токи, зурриётларимиз ота-боболаримиз сингари боғу бўстонлар яратувчиси, она табият ҳимоячиси бўлсин! Шундагина табиятни асл ҳолидек сақлаб, уни келажак авлодга безавол етказишга эришамиз.

Айни вақтда, “Оналар – яшил макон учун” ғоясининг анъанага айланиб бораётгани, маҳаллаларда “Оналар боғи” ташкил этилаётгани қувонарлиқдир. Бу ишларда 1025 та маҳалладаги “Оқила аёллар” ҳаракатининг ҳам муносиб ўрни бор. Галдаги вазифамиз – ушбу хайрли тadbирларни халқимиз орасида кенг ёйишдан иборат.

Азиз ёшлар!

Сизлар Янги Ўзбекистоннинг бунёдкор қучисиз! Халқимиз кўзлаётган юксак марраларга эришишда ақл-заковатингиз, ғайрат-шижоатингиз, она Ватанга бўлган садоқатингиз бекиёсдир.

Она заманимизга меҳр беринг! Нурли келажак учун бугундан бошлаб ўз хонадонингиз, кўчангиз, маҳаллангизда ўз ниҳолингизни экинг, ҳудудда “Ёшлар боғи”ни ташкил этишда ташаббус кўрсатинг!

Асло унутманг, сиз Ўзбекистон фарзандисиз, сизнинг ҳиссангиз – бу ота-онангиз, маҳаллангиз ва бутун халқимизнинг фаровонлиги учун хизмат қиладиган.

Қадрли юртдошлар!

Дарахт экиш ва уни парваришlashни мажбурият эмас, қадрият сифатида қабул қилайлик!

Ҳар бимизми келажак авлод олдидаги бурчимизни чуқур ҳис қилган ҳолда, “Яшил макон” лойиҳасини умумхалқ миллий ҳаракатига айлантирайлик!

Токи, биздан фарзандларимизга обод, яшилликка бурканган гўзал Ватан мерос қолсин!



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Ummat MIRZAUQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sirojiddin ESHQUVVATOV

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Mahmudjon BOLTABOYEV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Zarifa ERALIYEVA

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV



Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkentaqiqati@uamail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Suhrobjon SADIROV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 22.20

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-1031.

4 906 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6



Биллур Бисотдан

Она тили умуммиллат мулкидир, демак, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман, деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қай-ғурмоғи керак. Унутилган сўзларни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш ёлғиз тилшуносларнинг эмас, миллатнинг ишидир.

Одамларда тафаккур кучи ортгани сари тасаввур кучи камайиб бормоқда. Завқ-шавқ ўрнини совуқ ҳисоб-китоб эгалламоқда. Ақл ва юрак баҳсида ҳиссиёт енгиллиб, куруқ мантиқ ғалаба қилмоқда. Бу жамият учун хатарли ҳол. Ўзбек аскияни унутса, дўстона ҳазилларни эсдан чиқарса, сўзнинг латофатини англамай қолса, бу фалокатдир.

Остановка турганда бекат, район турганда туман, вилка турганда санчки дейишга нима бор, дегувчиларнинг даври ўтди. Араб, форс тилларини сув қилиб ичиб юборган тadbикотчилар сўзнинг энг чуқур илдизига етиб, аслиятни маҳкам тутиб оладилар. Дунё хатога тўлиб кетганидан жонфигон бўладилар. Риштон эмас, Рошидон; Бувайда эмас, Биби Убайда; арава эмас, араба деб ёзиш ва айтишни талаб қиладилар. Уламолар, фузалолар дейиш саводсизлик, инсон ҳуқуқлари эмас, ҳақлари дейиш керак, чунки уламо, фузало, ҳуқуқ олим, фозил, ҳақ сўзларининг кўплиги деб қизишадилар. Айниқса, ахборотлар сўзини эшитсалар борми, сочлари тик бўлади. Ҳақиқатан ҳам хабарнинг жамъи – ахбор. Ахборотга айланиб яна бир кўплик қўшимчиси ортди. Ахборотлар десак энди хабар учта “лар”дан лорсиллаган бўлади.

Тўйга чорлаганда таклиф қиламиз ёки лутфдан таширф буюришингизни сўраймиз, дейилади. Бизга биринчи жумла ўта қисқа, иккинчиси ўта узун туюлиб, ўртачасини танлаймиз: лутфдан таклиф қиламиз! Ўзимиз билмаган ҳолда меҳмонни камситиб, ўз шахсимизни улуғлаймиз.

Сўз бамисоли чарақлаган юлдуз, оқиб ётган дарё, эсиб турган шамол каби ҳамманики. Ҳеч ким ҳеч кимга, ҳеч бир халқ бошқа ҳеч бир халққа, менинг сўзимни олдинг, ўзгартирдинг, буздинг, дея даъво қилмайди. Руслар фиръавни фараон, Бобилини Вавилон, Сурияни Сирия деб айтсалар, бизнинг исмларимизни Қадыр, Таджи, Гулям деб талаффуз қилсалар биров, ҳай, нима қиялсан, демайди. Чунки бу ҳол кўпга келган тўй. Ўзимиз ҳам талай хорижий сўзларнинг додини берганмиз.

Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин ВОҲИДОВ эсдаликларидан